

## Мусулмон спортчилар низоми имзоланди

Image not found or type unknown



17:40 / 26.10.2021 2335

Мусулмон спортчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Уэльс Футбол ассоциацияси (FAW) спортчилар низомини имзолаган биринчи футбол ташкилотига айланди. Ушбу низом Nujum Sports томонидан июн ойида мусулмон спортчиларни қўллаб-қувватлаш, муваффақиятга эришишга ундаш учун эълон қилинган.

«Низомда спортчиларни намоз ўқишлари учун алоҳида жой, ҳалол таомлар, Рамазон ойида рўзадор ўйинчиларга шароит яратиб бериш каби муҳим бандлар киритилган», дейди Nujum Sports раҳбари Эбадур Рахмон.

«Биз Уэльсдаги бутун футбол оиласида барча динларни фаол қўллаб-қувватлайдиган муҳит ва маданиятни яратишга интиламиз», дея таъкидлайди FAW тенглик менежери Жейсон Уэббер.

— Бундай кейин мусулмон спортчилар низомда келтирилган бандлардан фойдаланишлари мумкин. Жамиятдаги мусулмон футболчиларга футбол ўйнашда ўз эътиқодларини амалда қўллашлари учун ёрдам берамиз.